ЭРКИН АЪЗАМ АСАРЛАРИДА СИНТАКТИК ПАРАЛЛЕЛИЗМНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ЎЗИГА ХОСЛИГИ

М.Х.Ҳакимов, Ш.Ғ.Тошхужаева

Мақолада поэтик синтаксис воситаларидан бири ҳисобланган синтактик параллелизм ҳодисаси ҳақида сўз боради. Ёзувчи Эркин Аъзам асарларида воқеланувчи ушбу воситанинг ўзига хос хусусиятлари лингвопоэтик жиҳатдан таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: *лингвопоэтика, синтактик параллелизм, хиазм, эмоционал-экспрессивлик.*

В статье речь идет о синтактическом параллелизме, являющемся одним из поэтико-синтактических средств. Осуществлен лингвопоэтический анализ этого средства на материале произведений писателя Эркина Аъзама.

Ключевые слова: *лингвопоэтика, синтаксический параллелизм, хиазм, эмоциональная экспрессивность.*

The article discusses one of the means of syntax - syntsactic parallelism which is considered to be one of the poetic syntactic means. Peculiarities of this means which are realized in Erkin A'zam's works from the linguo-poetic point of view.

Key words: *linguopoetics, expressive-syntax, chiasms, emotional expressiveness.*

Синтактик параллелизм поэтик синтаксиснинг ўрганиш объекти сифатида бадиий нутқ таркибида кенг тарқалган қадимий услубий восита ҳисобланади. Ундан тасвир этилаётган объектга тингловчи эътиборини қайта тортиш, таъкидлаш, изоҳлаш каби мақсадларда фойдаланилади.

Н.М.Резинкина синтактик параллелизмни "таркибий синтактик бирлик икки қисмдан иборат бўлиб, ўзларининг синтактик ўхшашликлари ва мантиқий-мазмуний умумийлиги билан характерланади" [7.195] дея таъкидлайди. Тилшуносликка доир адабиётларда синтактик параллелизм термини остида, умуман олганда, нимани тушуниш мумкин, деган савол туғилади [11.6].

Маълумки, "параллелизм" термини аслида грекча "parallellos" сўзидан олинган бўлиб, "ёнма-ён (бирга, тенг) борувчи" маъносини англатади. Ушбу термин тилшунослик ва адабиётшунослик соҳасида жуда кенг қўлланади. Тилшуносликка оид ишларда параллелизм ҳодисаси ҳақида турли хил қарашлар мавжуд. Масалан, баъзи тадқиқотчилар параллелизмни фақат маълум бир типдаги тилларга хос бўлади, десалар [10.82], бошқалари ҳодиса барча тилларга хос эканини таъкидлайдилар [1.128-135].

Айрим тадқиқотчилар уни оғзаки нутққа хос бўлган услубий фигура, [3.190-195], бошқалари эса боғловчи вазифасини бажарувчи восита [2.310] ёки лексик, синтактик, стилистик ҳодиса сифатида изоҳлайдилар [9].

Айрим тадқиқотларда "паралелизм" термини эргаш гапларнинг бош гапга биргалик эргашуви [8.568] ҳамда бир хил гап структурасининг айнан такрорланиш усулига нисбатан ҳам қўлланган кўринади [12.288].

Услубшуносликда параллелизм услубий-поэтик воситалардан бири сифатида изоҳланади. Шунинг учун ҳам "синтактик параллелизм" термини тилшуносликда бир типли уюшган қисмлардан, бутунликлардан ташкил топган синтактик конструкцияларга нисбатан қўлланади ва икки ёки ундан ортиқ предикатив бирликларнинг структурал жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган кўринишларини шакллантирувчи "композицион усул" сифатида баҳоланади [5.375].

Р.Шукуров ўринли таъкидлаганидек, "параллел бирликларнинг асосий вазифаси фикрга изоҳ бериш ва, энг муҳими, унга тингловчини тўла ишонтира олишдан иборат. Улар тил услубий воситаларининг бойиш манбаларидан бири бўлиб, поэтик нутқда кўп қўлланадиган, энг маҳсулдор ва таъсирчан синтактик бирлик ҳисобланади" [11.73].

Бу ҳақда М.Йўлдошев қуйидаги қарашларини баён қилади: "Бадиий матнда синтактик жиҳатдан бир хил шаклланадиган гаплар кўп қўлланади. Тилшуносликда бундай қурилмалар параллелизм термини остида ўрганилади" [4.68]. Бизнингча, синтактик параллелизм дейилганда, синтагмаларнинг бир хил синтактик кўринишга эга бўлиши назарда тутилади. Бадиий нутқда бундай ёнма-ён қўлланадиган гаплар ёрдамида фикрнинг экспрессивлик даражаси ошади, тантанаворлик, кўтаринкилик таъминланади.

Ёзувчи Эркин Аъзам ўз асарларида синтактик усулларнинг экспрессивликни вужудга келтириш имкониятларидан унумли фойдаланган. Бунинг натижасида ижодкор бадиий асарлари тилидаги ранг-баранглик таъминланиб, асар бадийяти тобора ошириб борилган. Қуйида ёзувчининг экспрессив-синтактик воситалардан бири – синтактик параллелизмдан фойдаланиш маҳорати ҳақида тўхталамиз.

Маълумки, грамматик бир хил шаклланган гаплар бадиий матнда айни шу структурал изоморфизмга кўра поэтик актуаллашади ва нутқ таъсирчанлигини бойитиш билан бирга, маънони кучайтиришга ҳамда фикрнинг батафсил, атрофлича ифодаланишига, тасвир объекти билан боғлиқ маълумотлар фондининг кенгайиб боришига хизмат қилади. Масалан:

(Сафсар) Ғалати қиз экан. Дастлабки таассуротга ҳар доим ҳам ишониб бўлмаслиги рост. Ҳалигина очилиб-сочилиб бир нимани гапириб ўтиради-ю, лаҳза ўтмай, дафъатан сипо тортиб, ўйчан, маъюс, бир нуқтага тикилиб қолади. Пакана эса нима деб гап қўшишга ҳайрон. Ўртада девор бор – ҳаяжон девори, бегоналик девори, номуносиблик девори... (“Пакананинг ошиқ кўнгли”). Бу мисолда қаҳрамоннинг уч хил ҳаракати бир хил шаклланган бирикмалар орқали парцеллятив параллелизм тарзида ифодаланган, яъни, *ҳаяжон девори – бегоналик девори - номуносиблик девори...* Қуйидаги мисолда эса бир ҳаракат билан боғлиқ маълумотлар фонди параллел гапларда кенгайиб боради: *Кўпчиликнинг севимли актёри Бахтиёр Азизов! Уни барча танийди. Бутун Ўзбекистон! Ҳар соат телевизорда кўриниб туради: бир қарасангиз – пивони кўз-кўз қиляпти, бир қарасангиз –“ҳаётнинг ёркин тарафи”ю “мусаффо ҳаёт”ни, яна бурасангиз - аллақандай томоша – шоунинг марказида жавлон урмоқда, тағин бурасангиз – қайси бир чўзма сериалда бош қаҳрамон, яна бирида гиёҳванд банги йигитнинг аччиқ қисматини ўхшатиб бераётир* (“Шовқин”). Келтирилган матн таркибидаги *бир қарасангиз, бир қарасангиз, яна бурасангиз, тағин бурасангиз* бирикмалари параллел қўлланган ва биринчи гапнинг маъносини изоҳлаб, тўлдириб келган. Бундай бирликларнинг асосий вазифаси фикрга изоҳ бериш ва, энг муҳими, унга тингловчини тўла ишонтира олишдир. Синтактик жиҳатдан бир хил шаклланган бундай гаплар бадиий нутқнинг таъсирчанлигини таъминлаш билан бирга маънони кучайтириб ифодалаб, тасвирланаётган объект билан боғлиқ маълумотларни кенгайтириб, бойитиб боради. Масалан, *Тишоғриқ – ёмон дард, бемаза дард. Бошингиздан ўтган-а?* (“Тиш оғриғи”). Бу мисолда *дард* сўзининг маъноси кучайтирилган. Биринчи бирикмада *дарднинг ёмонлиги*, иккинчи бирикмада бу дард бошқа дардлардан фарқли *бемаза дард* эканлиги таъкидланган. Бунда параллел қўлланган иккинчи бирикманинг маъноси *дард* сўзининг маъносини кенгайтириб, матн таъсирчанлигини оширган. Келтирилган мисолда тасвирланаётган воқеа параллел бирликлар орқали бир ҳаракат икки хил маъно ифодалаб, параллел бирликнинг маъноси кенгайган ҳолда ифодаланган: *Гап шундаки, мен адабиёт тарихи имтиҳонидан ўтмай туриб, муҳаббат дардига мубтало бўлдим. Оқибатда на имтиҳондан ўтдим, на у дардга даво топдим. Энди ўйлаб кўрсам, имтиҳондан эсон-омон қутулган тақдиримда ҳам унга даво топмоғим гумон экан.* (“Отойининг туғилган йили”); *Ёпирай, бу қандай гап, бу қандай имтиҳон?! Шу ҳам савол бўлдими – “Машрабнинг оти нега - Машраб”?!* (“Отойининг туғилган йили”). Келтирилган матнларда бир ҳаракатнинг турли ҳолатини ифодалаш орқали матнда параллел бирликнинг маъноси кенгайган, яъни биринчи мисолдаги гапда Асқар Шодибековнинг адабиёт тарихи фанидан имтиҳондан ўтолмагани ва ҳатто имтиҳон топшириш учун ҳаракат ҳам қилмагани *“на у дардга даво топдим”* тарзидаги синтактик бутунлик орқали кенгайтирилган. Иккинчи гапда адабиёт тарихи фанидан ўқитувчи томонидан берилган “*бу қандай имтиҳон?”* саволига унинг *“Шу ҳам имтиҳон бўлдими? Имтиҳонда бундай мантиқсиз савол берилмайди”* каби риторик инкор шаклидаги ички монологик нутқи ҳайрат-таажжуб маъноли синтактик параллелизм натижасида янада аниқ ифодаланган. Фикрнинг бундай ифодаланиши асарнинг бадиий руҳини кучайтириш билан бир қаторда ёзувчининг сўз қўллаш маҳоратини янада аниқ намоён қилишига далилдир.

Синтактик параллелизм адиб ижодида хилма-хил кўринишларда учрайди. Хусусан, унинг асарларида мазкур восита синтактик бир турдаги конструкциялардан иборат бўлиб, улар умумий маънога эга. Нутқнинг бундай қисми турли шакллар, яъни гап бўлаклари ва бир мустақил гаплардан ташкил топган бўлиши мумкин: *Бадқовоқ эса онасига эргашиб жўнаган боланинг кифтидан тортиб ўзига тортмоқчи бўлди:*

– Юр, ўғлим Мубошир, бу ердан кетамиз! Бизнинг ҳам уйимиз бор, бизнинг ҳам боғимиз бор, юр! (“Манзума отин”) Ушбу матнда алоҳида мустақил гаплардан ташкил топиб ажратилган *бизнинг ҳам уйимиз бор, бизнинг ҳам боғимиз бор* сингари синтактик параллелизм кўринишидаги гапларда тингловчи диққати бир жойга тўпланган ва натижада нутқ турига нисбатан эътибор кучайиб, у орқали ифодаланган фикр тез ва осон ўзлаштирилишига эришилган.

Адиб асарларида воқеланувчи синтактик параллелизм қисмлари орасидаги семантик муносабатлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг катта гуруҳини қиёслаш, зидлаш муносабатини ифодаловчи қўшма гаплар ташкил этади: *Аҳмадхонов менга тажжуб билан тикилди.*

- Гапларингиз ғалати-я, - деди жиддий фаҳмлаб, бир оздан кейин. – Бу ўзингизга боғлиқ, иним. Мана, бу ёғи Убайдуллаевдек...

- Раҳмат,-дедим қўлимни кўксимга қўйиб.

“Раҳмат”- қандай осон сўз!

“ Раҳмат”- қандай қийин сўз.

Аҳмадхонов буни тушундимикан?.. (“Отойининг туғилган йили”); *Равшаной тушунмагандек ҳайрон бўлиб қаради. Умуман менинг гапларимга ажабланаётгани сезилиб турарди.... Шу ерга етганда бу қизга қизиқишим мутлақо сўнди... Масалани чигаллаштирмай, ҳозироқ хайр-маъзур қилмоқчи эдиму, аммо – тавба, ғалати қиз экан бу! – ҳеч ким сўрамаган бўлса-да, ўз-ўзидан таржимаи ҳолини айтишга тушди: нимага қизиқади, нимани яхши кўради, нимани ёмон кўради...* (“Отойининг туғилган йили”). Юқоридаги мисоллар *“осон-қийин”* ва *“яхши-ёмон”* сўзлари ёрдамида ифодаланган қарама-қарши семалар синтактик параллелизм компонентлари орасидаги қиёслаш, зидлаш муносабатларини яққол кўрсатиб турибди. Бундай шаклланган синтактик параллелизмлар орқали ритмик-мелодик хусусият ифодаланиб, фикрни тингловчига тез ва таъсирли, кучли ҳис-туйғу билан етказиб берилган. Параллелизмнинг муҳим шартларидан бири сўзлар такрорланиши эмас, балки синтактик парадигма такрорланиб, улар ўзаро параллел тарзда шаклланади, яъни уларнинг схемаси бир хил бўлади. Буни юқоридаги мисол парадигмасида ҳам кўриш мумкин: 1. *Нимага қизиқади.* 2. *Нимани яхши кўради.* *3. Нимани ёмон кўради.*

Ёзувчининг синтактик параллелизмдан фойдаланиш маҳорати таҳлил қилинганда, яна шунга гувоҳ бўлиш мумкинки, ижодкор бир гап доирасида хиазматик кўринишдаги синтактик параллелизм усулидан санъаткорлик билан фойдалана олган. Шу ўринда яна бир экспрессив-синтактик восита ҳисобланувчи хиазм усули ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Хиазм (юн., “chiasmus”) икки ёнма-ён гапда синтактик параллелизм тарзида қўлланувчи, иккинчи гапда эса биринчи гапни ташкил этувчи қисмларнинг тескари жойлашуви, ёки грекча “Х”(хи) ҳарфи шаклида намоён бўлувчи услубий фигурадир [3.325]. Ўзбек тилшунослигида хиазм ва градация усули О.Мамазияев томонидан кенг таҳлил қилинган [6.6]: *Олдимда уюм-уюм китоб, дарслик; теварагимда – бири илм учун яшаётган, бири яшаш учун илм олаётган кимсалар; ташқарида эса, ҳаёт аталмиш беқиёс мўъжиза: чарақлаган қуёш, тип-тиниқ осмон, топ-тоза ҳаво, кўзни қамаштирувчи атлас кўйлаклар – барно қизлар, ўйноқи фавворалар, хушнағма қушлар... Уларни айнан ҳозиргидек намойишда кўриш менга ҳеч қачон насиб этмайди.* (“Отойининг туғилган йили”) Ушбу парчада *илм учун яшаётган, бири яшаш учун илм олаётган* синтактик параллелизми лексик жиҳатдан қарама-қарши тузилган хиазм усулида шакллантирилган. Бундай шаклдаги синтактик параллелизмни қўллаш натижасида адиб асарларининг бадиий-эстетик вазифасини тўла таъминлаб, фикрини аниқ ва эмоционал-экспрессив ифодалай олган.

Синтактик параллелизм Эркин Аъзам ижодида фикрни янгича бир шаклга солиб, санъаткорона ифодалаш усули ҳисобланади. Ушбу восита унинг барча жанрдаги асарларида бадиий нутқ меъёрлари асосида шакллантирилади ва алоҳида бир услубий вазифа бажаришга хизмат қилади. Унинг ёрдамида нутқнинг янада таъсирли ва ёрқин бўлишига эришилади. Хуллас, синтактик параллелизм усули нутқ таъсирчанлиги ва эмоционаллигини таъминлаб берувчи лингвопоэтик восита сифатида адиб асарларида муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Абдураҳмонов Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг синтактик хусусиятлари бўйича кузатишлар. – Т., 1971. – 248 б.

2. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Т., 2007.- 123 б.

3. Квятковский А. Поэтический словарь. – М., 1966. – 376 с.

4. Мамазияев О.Х. Ўзбек поэтик нутқида хиазм ва градация. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т. 2004 . – 26 б.

5. Разинкина Н.М. Функциональная стилистика английского языка. – М., Высшая школа.-1989. – 261 с.

6. Современный русский язык.- М.: МГУ, 1971. – 262 с.

7. Убрятова Е.И. Усилительное повторение основы слова в форме зависимого от нее члена предложения в якутском языке. – М., 1973. – 182 с.

8. Шукуров Р. Синтактик параллелизмнинг услубий вазифалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2004. – № 2. – Б.73-75.

9. Ўзбек тили стилистикаси. – Т., 1988. – 288 б.

Фарғона давлат университети,
Қўқон давлат педагогика институти,
2016 йил 3 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.н. З.Қодиров)